

**ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМАДЖОНОВА ГУЛНОЗА МУРОДОВНА**

**АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМИ АНИҚЛАНГАН АЁЛЛАРДА  
ҲОМИЛА НОБУД БЎЛИШИДА ДЕЦИДУАЛ ҚАВАТ  
ТУЗИЛИШИНING МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02- Морфология  
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Ахмаджонова Гулноза Муродовна**

Антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомила нобуд бўлишида децидуал қават тузилишининг морфометрик хусусиятлари ..... 3

**Ахмаджонова Гулноза Муродовна**

Морфометрические особенности строения децидуальной оболочки при невынашивании беременности у женщин с антифосфолипидным синдромом..... 31

**Akhmadzhonova Gulnoza Murodovna**

Morphometric features of the structure of the decidual membrane during miscarriage in women with antiphospholipid syndrome ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published scientific works ..... 63

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМАДЖОНОВА ГУЛНОЗА МУРОДОВНА**

**АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМИ АНИҚЛАНГАН АЁЛЛАРДА  
ҲОМИЛА НОБУД БЎЛИШИДА ДЕЦИДУАЛ ҚАВАТ  
ТУЗИЛИШИНING МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02- Морфология  
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Tib589 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий консультантлар**

**Тешаев Шухрат Жумаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нажмутдинова Дилбар Камариддиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Закирова Наргиза Баходировна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Шалина Раиса Ивановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Курбонов Саид Сафарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Тожикистон)

**Етакчи ташкилот**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Казакова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги пайтларда тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатдики, номаълум этиологияга эга ҳомиладорликдаги эрта йўқотишларининг 80 фоизи бир қатор касалликлар билан боғлиқ бўлиб, улардан бири антифосфолипид синдромидир (АФС).

Антифосфолипид антитаначалар синдроми веноз, артериал ва йўлдош қон айланишини ўз ичига олган томир тромбози хавфи ортиши билан тавсифланади. Охирги ҳолат эса ножўя акушерлик натижалари билан боғлиқдир, шу жумладан ҳомила ўлими ва ҳомила ривожланиши орқада қолишини ўз ичига олади. Сўнги йилларда ҳомиладорликни тўхташи АФС учун белгиловчи мезон бўлиб, ушбу антитаначалар ташувчи тизимли қизил югурук (ТҚЮ) билан оғриган беморларда айниқса кенг тарқалган. Беморларда «...йўлдош инфаркти, ёки йўлдош инфарктисиз ва ёки ҳомила ривожланиши орқада қолиши туфайли уч нафар сабабсиз ҳомила нобуд бўлишида (10 ҳафтагача гестацион муддатига эга), ёки ҳомиладорлик 10 ҳафтасидан кейинги сабабсиз бир нафар ҳомила нобуд бўлиши кузатилса АФС мезонига тўғри келади...»<sup>1</sup>.

Сўнги йигирма йил ичида АФС ҳомила тушиши ва ҳомиладорлик билан боғлиқ касалликларнинг асосий сабабига айланди. Жуфтликларнинг 1 фоизида такрорий ҳомила тушиши содир бўлади, ушбу аёлларнинг 20 фоизида фосфолипидларга (АФЛ) антитанача мавжуд ва нормал кўринишдаги аёлларнинг тахминан 15 фоизида АФЛ такрорий ҳомила йўқотишларининг ягона изоҳидир. Бундай беморларни бирламчи давосида ҳомиладорлик даврида антикоагулянтлар қўллаш, ноқулай, баъзан оғриқли, қиммат ва потенциал асоратлар: жумладан, қон кетиш ва остеопороз билан хавфлидир. Бундан ташқари, кўп ҳолларда самарасиз ҳамдир. Шундай қилиб, анти-фосфолипид бўлган аёлларда ҳомила нобуд бўлишининг янги механизмини аниқлаш янги, хавфсизроқ ва самаралироқ даволаш усуллари ваъда қилади.

Ҳомиладорлик пайтида, β2-гликопротеин-1 томонидан тан олинган АФАлар, шунингдек, бачадон эндотелийсига тўғридан-тўғри боғланиб, йўлдошнинг она томонига таъсир қилиши мумкин, бу эса трофобласт хужайраларининг она спирал артерияларини ўзгартиришига асос бўлади. Бироқ, АФАнинг инсон эндометриал эндотелиал хужайраларининг децидуализацияси ва фаолияти жараёнига қандай таъсир қилиши ҳақида маълумотлар етарли эмас. Бундан ташқари, замонавий терапевтик воситаларнинг АФА туфайли келиб чиққан акушерлик асоратларига эндометрий фаолияти ва децидуализацияга таъсири, шунингдек, тухумдоннинг ултратовушли анатомиясининг морфометрик хусусиятлари ҳақида жуда кам маълумотлар мавжуд.

---

<sup>1</sup> J.E. Salmon, G. Girardi, V. M. Holers. Complement activation as a mediator of antiphospholipid antibody induced pregnancy loss and thrombosis. *Ann Rheum Dis* 2020; 61(Suppl II):ii46–ii50.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасида акушерлик-гинекологик ёрдам, профилактика ишлари, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш сифатини оширишга хизмат қилувчи кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳолимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш йўлида эса улкан муваффақиятларга эришилди. Аммо бу АФСда репродуктив йўқотишларнинг сабабчи омилларини ва унинг асоратларини аниқлашга илмий асосланган ёндашувни ҳам талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026-йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-60-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026-йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ислохоти республикамизнинг устувор йўналишларидан бири бўлди. 2022-2026-йилларда «...Янги Ўзбекистон стратегияси»да туғиш ёшидаги аёлларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, она ва болани ҳимоя қилиш, перинатал марказларни жиҳозлаш, шунингдек уларни малакали кадрлар билан та’минлаш тизимини такомиллаштириш...»<sup>2</sup> бўйича вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар АФС сабаб бўлган ҳомила ташлашни даволаш ва ташҳислаш чора-тадбирлари самарадорлиги ва сифатини оширишда ёрдам бериб, лойиҳанинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>**

Антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг эрта босқичларида ҳомила йўқотиш патогенезини ўрганиш дунёнинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари томонидан амалга оширилди, жумладан American College of Rheumatology (CША); «La Sapienza» University (Италия); Department of Obstetrics and Gynecology of Faculdade de Medicina da Universidade de São Paulo, (Brazil); Department of General Internal Medicine Section, San Francisco Veterans Affairs Medical Center, San Francisco, California (USA); San Francisco, the Department of Diagnostic Radiology, University of Munich, (Germany); «Академик В.И. Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази» ва «Д.О. Отт номидаги акушерлик ва гинекология илмий-текшириш маркази» (Россия Федерацияси); Республика акушерлик ва гинекология маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Андижон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.acog.org](http://www.acog.org), [www.aafp.org](http://www.aafp.org), [www.jhsph.edu](http://www.jhsph.edu), [www.cpc.unc.edu](http://www.cpc.unc.edu), [www.unc.edu](http://www.unc.edu), [obsgyn.mcmaster.ca](http://obsgyn.mcmaster.ca), [www.figo.org](http://www.figo.org), [www.studylab.ru](http://www.studylab.ru), [www.ottawahospital.on.ca](http://www.ottawahospital.on.ca), [www.uottawa.ca](http://www.uottawa.ca), [www.unsw.edu.au](http://www.unsw.edu.au), [www.fadergs.edu.br](http://www.fadergs.edu.br), [pushpagiri.in](http://pushpagiri.in), [ncagp.ru](http://ncagp.ru), [www.ssmu.ru](http://www.ssmu.ru), [www.bsmi.uzva](http://www.bsmi.uzva) бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Давлат тиббиёт институти, ҳамда Бухоро Давлат тиббиёт институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бутун дунёда олиб борилган тадқиқотлар томонидан, АФС аниқланган аёлларда фертил даврини олиб боришни такомиллаштиришга қаратилган тактик диагностик мониторингни ишлаб чиқиш ва муайян асоратларни даволаш орқали турли хил ечимлар таклиф қилинган жумладан: ҳомиладорлик ва тромбоз натижасида келиб чиққан антифосфолипид антитаначалари комплементи медиатор сифатида фаоллаштириш усули таклиф қилинган (Department of Medicine, Hospital for Special Surgery-Weill Medical College, Cornell University, New York, USA Departments of Medicine and Immunology, University of Colorado Health Sciences Center, Denver, USA); АФС трофобласт миграцияси ва инициациясини блоклаши аниқланган (Department of Obstetrics and Gynecology, Carolinas Medical Center, Charlotte, North Carolina, Division of Reproductive Endocrinology and Infertility, University of Tennessee Health Science Center, Memphis, Tennessee, USA); ҳомила ташлаш генезида децидуализация жараёни иштироки исботланган (Department of Obstetrics and Gynecology, Nagoya City University Graduate School of Medical Sciences, Nagoya, Japan); аФЛ билан боғлиқ трофобласт дисфункцияси/ўлими, ворсинкалар аро бўшлиқ тромбози ёки бачадон-йўлдош худуди кескин яллиғланиши билан боғлиқлиги аниқланган (Department of Obstetrics and Gynaecology, The University of Auckland, Auckland, New Zealand, Gravida: National Centre for Growth and Development, New Zealand); ҳомиладорликда АФСнинг аҳамияти ва перинатал асоратлар профилактикаси ва давоси ишлаб чиқилган (Республика акушерлик ва гинекология маркази, Андижон Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Ўтган ўн йилликлар давомида транскриптомлар ва секретомалар таҳлил қилиш сигнал молекулалар ва уларнинг оралиқ бирикмаларида, транскрипция омиллари, гормонлар, ўсиш омиллари, цитокин, хемокин, адгезия молекуласида, лиганда ва рецепторларда, цитоскелет тизимида, хужайрадан ташқари матриксда, ион ва сув ташувчиларида, ҳамда хужайра циклининг регуляторлари, ангиоген омиллар ва децидуализация жараёнида нейропептидлар ўзгаришларини аниқлади. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, АФС ташхиси кўйилган аёлларда бластоциста имплантацияси учун эндометрийни тайёрлашда децидуал қобиғ иштирокини янада ўрганиш талаб қилинади. Акушерлик амалиётида ҳомиладорликнинг илк даврида ҳомила нобуд бўлиши муаммосининг ортиши, АФС билан касалланган ҳомиладор аёлларни даволаш бўйича фикрларнинг хилма-хиллиги, шунингдек, беморларнинг ишончсиз аҳволи АФС намоён бўлишининг этиопатогенетик механизмларини янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда АФС замонавий тиббиётнинг энг мураккаб патологияларидан бири бўлиб, кўплаб акушерлик асоратларига олиб келади, унинг кутилмаган кўриниши ва беморларни олиб боришда максимал харажатлари билан тавсифланади. Маълумки, АФЛ ва

акушерлик патологияси ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги ҳозирги билимларни яхшилаш учун Ақшда кўп марказли кўп миллатли истиқболли аҳоли тадқиқоти ўтказилди (Hamashtha M.A., 2020). Дунё олимлари ушбу патологиянинг акушерликдаги ролини ўрганишнинг турли усуллари тақлиф қилишди, аммо барча ҳолатларда уларнинг хилма-хиллиги кўпинча акушер-гинекологга етарли даражада фикрлашга имкон бермайди, бу баъзи ҳолларда диагностика мезонларининг тарқоқлиги туфайли тактиканинг самарадорлигини пасайишига олиб келади. Америкалик олимлар тромбоз патофизиологик белгидир, лекин комплемент фаоллиги каби бошқа омиллар ҳам муҳимлигини айтган (Karen Schreiber et al., 2022). Шу билан бирга, этиологиянинг ҳомиладорлик триместрига қараб асоратларни ривожланишига таъсири масаласи ҳал қилинмаган. Лекин бази изланувчилар АФА титрга боғлиқ бўлган юқори акушерлик асоратларини эътироф этишган (Qi, W., Zhao, J., Huang, C. et al., 2022). Манбаларга кўра ҳомиладорликсиз тромботик асоратлардан кўра акушерлик асоратларини юқорилиги айтилади (Oliveira DC, et al. 2020), шу билан бирга бошқа олимларда бу эътироф тасдиғини топмаган (Buttari V. et al., 2019). Тромбоз ва ҳомиладорлик патологиясининг аутоиммун табиати билан АФСнинг асосий патофизиологияси яллиғланишни келтириб чиқарадиган фосфотилхолин антифосфолипид антитаначалари билан боғлиқ (Негматшаева Х.Н. ва ҳаммуал., 2020).

АФС эволюциясининг муҳим жиҳатларидан бири акушерлик йўқотишларининг клиник ва морфологик шакллариининг турли хил хусусиятларини оғир шаклланишидир (Макацария А. Д., 2022). Шу муносабат билан, эрта ҳомиладорлик даврида ҳомила йўқолганидан кейин морфогистологик ҳолатларни баҳолаш учун турли хил фаразлар алоҳида қизиқиш уйғотади (Нажмутдинова Д.К. ва ҳаммуал., 2021).

Адабиётлар манбаларини ўрганиш АФСда ҳомиладорлик якунини унинг этиологиясига кўра касалликни баҳолаш мумкин эмаслиги, тизимли акушерлик асоратлари ривожланиши билан ҳомиладорлик нохуш прогнозиди хавф омилларини аниқлаш, таҳлил қилиш, асосий нозологияни даволаш бўйича кўрилган чора-тадбирларни баҳолашни ҳисобга олган ҳолда диагностика мезонларининг самарадорлиги, акушерлик асоратларининг асосий клиник ва патогенетик жиҳатларини ўрганишни оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикасини такомиллаштириш асосини беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон Давлат тиббиёт институти 01.970005260 "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш" илмий тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Антифосфолипид синдроми ва ҳомила ташлашда аёлларда илк муддатларда ҳомила ташлашда децидуал қобиг тузилишининг морфометрик хусусиятларини ўрганишдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

антифосфолипид синдроми ва нормал ҳомиладорликда ҳомиладорликнинг 8 хафталигига қадар ҳомиланинг ултратовуш анатомиясининг морфометрик хусусиятларини ўрганиш.

антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда сариқ қопчанинг ултратовуш анатомияси морфометрик хусусиятларини тавсифлаш.

антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда илк абортдан кейинги эндометрий ҳолатининг ултратовуш анатомияси морфологик хусусиятларини ўрганиш.

антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда спонтан ҳомила тушишдан кейин децидуал жараённинг морфологик хусусиятларини ўрганиш.

ўз-ўзидан ҳомила тушишидан кейин антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг (прогестерон, эстроген) ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

антифосфолипид синдромида ҳомила тушишида текшириш алгоритмини ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Андижон шаҳар 2-туғруқ комплексининг гинекология бўлимидаги тиббий кўрикдан ўтказилган ва даволанган 137 нафар АФС билан касалланган ва 30 нафар нафар деярли соғлом аёл тадқиқотга жалб қилинган. Илмий дастур Андижон Давлат тиббиёт институтининг 2-акушерлик ва гинекология кафедраси базасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети** қон зардоби намуналари, постаборт эндометрий қириндиси. Ҳомиладорлик эрта муддати ва эдометрий ултратовуш текширувидан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий ишнинг мақсади ва биз қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, инструментал, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда яшовчи туғруқ ёшидаги ўзбек миллатига мансуб аёлларда антифосфолипид синдромида ҳомиладорликнинг 8 хафталигига қадар ҳомиланинг ултратовуш анатомиясининг морфометрик хусусиятлари юқори даражада аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда эрта постаборт эндометрийнинг ултратовуш анатомияси морфологик хусусиятлари ўрганилди: (ҳажми, эндометрий бирикиш ҳудуди, рецисивлиги ва умумий периферик томир қаршилиги), регионар гемодинамика параметрларининг ошиши орқали намоён бўладиган клиник белгилари асосий хавф омиллари аниқланган ва асоратларни кейинги ҳомиладорликкача бартараф этиш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқилган;

АФС аниқланган аёлларда ЭФМК, фибриноген, Д-Димер, регионар гемодинамикадаги ўзгаришлар замирида эндотелиал дисфункциянинг келиб чиқишида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва башоратга эга аҳамияти баҳоланган;

АФС аниқланган аёлларда спонтан абортдан кейин децидуализация жараёнининг морфологик хусусиятлари ўрганилди ва антифосфолипид синдроми бўлган ҳомиладор аёлларда клиник ва лаборатор кўрсаткичлар (прогестерон, эстродиол, ЭФМК, Д-Димер) омилларнинг ошиши, бачадон артериаларида резистентлик индексининг ортиши ва қон оқимининг ёмонлашуви ўз-ўзидан спонтан аборт юзага келишига предиктор омил бўла олиши илк мартаба исботланган;

анамнезида АФС бор аёлларда инструментал ва лаборатор текширув натижалари асосида, децидуал строма ёнидаги бачадон томирларига трофобластнинг кириб бориши ва децидуализация жараёнининг бузилиши, спирал артериялар ва бачадон артериялари, децидуа қон томирларининг шикастланиши ва децидуализация жараёнининг бузилиши ва қон кетиш жойлари мавжудлиги ва Нитабух қаватини эрта шаклланиши, хорион шокилдор тукланишини пастлиги исботланган шу жумладан амбулатор ва госпитал шароитда ушбу беморларни ташхислаш ва олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор нормал ҳомиладорлик ва антифосфолипид синдромида ҳомиладорликнинг 8 хафтасига қадар ҳомиланинг ултратовуш анатомияси морфометрик хусусиятлари таклиф этилган;

антифосфолипид синдромига хос бўлган эрта постаборт эндометрийнинг ултратовуш анатомияси кўрсаткичлари морфологик маълумотлари аниқланган;

антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда спонтан абортдан кейин илк бор децидуализация жараёнининг морфологик предикторлари аниқланган;

антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг 8 хафталигига қадар сариқ қопчанинг ултратовуш анатомияси морфометрик кўрсаткичлари асосида ҳомиланинг нобуд бўлишини башорат предикторлар аниқланган;

таклиф этилган алгоритм бўйича антифосфолипид синдроми бўлган аёлларни бошқариш понтан абортс генезини аниқлашга, АФС асоратларини ташхислашда иқтисодий харажатларни камайтиришга ёрдам берган;

олинган маълумотларнинг умумийлиги антифосфолипид синдроми сабаб бўлган спонтан абортларда эндометрий ултратовуш анатомиясини таққослаш учун маълумот базаси бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Амалий натижалар тадқиқотда замонавий, ўзаро боғлиқ бўлган клиник, биокимёвий, морфологик, инструментал ва статистик усуллари билан таъминланган. Тадқиқотда АФС билан текширилган аёлларнинг етарли сони иштирок этди. Амалий натижаларга кўра АФСда ҳомиладорликнинг эрта муддатларида акушерлик ва перинатал асоратлар

патогенезининг ташхисий ва прогностик мезонлари яхшиланди. Статистик таҳлил усуллари тўплами, шунингдек уларнинг тўғри қўлланилиши асосланади; олинган натижалар хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослашга асосланган бўлиб, хулоса, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти антифосфолипид синдромининг асоратларини эрта ташхислаш, касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида тўғри такомиллаштирилган тактикани танлашда оқилона хулосалар асосида ёндашиш. Ҳомила ташалашда репродуктив тизимнинг морфометрик кўрсаткичларининг роли ва қон томир касалликларининг патогенезида қон параметрларининг иштироки аниқланди, ҳамда эндометрий рецептивлигида АФСнинг апоптотик таъсири исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу тоифадаги беморларни бошқариш тактикасини ва перинатал йўқотишлар частотасини камайтиришга имкон берадиган лаборатор ва функционал тадқиқот усуллари йўқотиш орқали беморларни текшириш схемасини ишлаб чиқишдан иборат. Антифосфолипид синдроми бўлган аёлларни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм ҳомиладорлик натижасини яхшилашга, перинатал асоратлар кўрсаткичини ва иқтисодий харажатларни камайтиришга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 30 сентябридаги 06/25-сон хулосасига кўра:

Ўзбекистонда яшовчи ўзбек миллатига мансуб ҳомиладор аёлларда антифосфолипид синдромида ҳомиладорликнинг 8 хафталигига қадар ҳомиланинг ултратовуш анатомиясининг морфометрик хусусиятлари юқори даражада аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Ўзбек миллатига мансуб ҳомиладор аёлларда антифосфолипид синдромида ҳомиладорликнинг 8 хафталигига қадар ҳомиланинг нобуд бўлиш хавфини юқорилигини кўрсатган; антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда эрта муддатда ҳомиланинг ултратовуш анатомиясининг морфометрик хусусиятлари аниқланганда даволанишга туғруқ комплекслари ва керакли шошилиш тиббий ёрдам кўрсата оладиган муассасаларга юборилган, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтирган ва шифо жараёнини тезлаштирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Илмий тадқиқот натижалари Андижон шаҳар 2-сон туғруқхона мажмуасига 20.07.2022 йилдаги 143/1-сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилояти Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона бўлимига 20.07.2022 йилдаги 247/1-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги тақлиф этилган текшириш усуллари беморлар саломатлигининг тез қайта тикланиши ва эрта

ташхислаш ҳамда асоратларнинг олдини олишдан иборат; тадбиқ этилган комплекс ёндашув натижасида даволаш самардорлиги ошган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Антифосфолипид синдроми (АФС) аниқланган ҳомиладор аёлларда самарали текширув усули бўлган ҳомиланинг ултратовуш анатомиясининг морфометрик хусусиятларини текшириш орқали ҳомилага ҳавф солувчи омилларни аниқланиши, яъни бошқа текшириш усуллардан фойдаланмаслик ҳисобига иқтисод қилинган. Бунда бир беморда 650000 сум иқтисод қилиниб, тадқиқот жараёнида кузатувдаги 60 нафар беморда 39000000 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан иқтисод қилишга эришилган

Хулоса: антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомила эрта нобуд бўлишини прогнозлашдаги инструментал (УТТ) усули, 1 нафар бемор ҳисобига киритилаётган усулнинг иқтисодий самарадорлиги унинг аналогига нисбататан арзон, яни 72 % юқорилигини кўрсатди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомила нобуд бўлишида децидуал қават тузилишининг морфометрик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2022 йил 12 сентябрдаги 06/2587-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда эрта постаборт эндометрийнинг ултратовуш анатомияси морфологик хусусиятлари ўрганилди: (ҳажми, эндометрий бирикиш ҳудуди, рецисивлиги ва умумий периферик томир қаршилиги), регионар гемодинамика параметрларининг ошиши орқали намоён бўладиган клиник белгилари асосий ҳавф омиллари аниқланган ва асоратларни кейинги ҳомиладорликкача бартараф этиш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда бачадон ҳолатини баҳолашда марказий гемодинамика кўрсаткичларини, регионар гемодинамика параметрларини биргаликда ўрганиш кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олади, ҳомиладорликни асоратсиз ўтишини ва ётоқ кунини қисқартириб, шифо жараёнини тезлаштиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Андижон шаҳар 2-сон туғруқхона мажмуасининг 22.07.2022 йилдаги 328/1-сонли буйруқ ҳамда Андижон вилояти Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмасининг 22.07.2022 йилдаги 275/1-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: антифосфолипид синдроми аниқланган ўз-ўзидан аборт билан асоратланган аёллар орасида инструментал-биокимёвий маркёрларни қўллаш орқали, ҳавф омилларини эрта аниқлашга, улар асосида коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқиш ва асоратларни олдини олишдан иборат.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ҳар бир нафар беморда стационар даво кунлари қисқариши ҳисобидан

700000 минг сўмгача иқтисодий самардорликка эришилган. Жами беморлардан 42 000 000 сум маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Хулоса: анитфосфолипид синдроми аниқланган ўз-ўзидан аборт билан асоратланган аёлларда акушерлик асоратларини бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, тадқиқотга жалб қилинган умумий беморлар ҳисобидан жаъми 81 000 000 сўм маблақ иқтисод қилинишига эришилган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомила нобуд бўлишида децидуал қават тузилишининг морфометрик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2022 йил 12 сентябрдаги 06/2587-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: АФС аниқланган аёлларда ЭФМК, фибриноген, Д-Димер, регионар гемодинамикадаги ўзгаришлар замирида эндотелиал дисфункциянинг келиб чиқишида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва башоратга эга аҳамияти аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: АФС аниқланган аёлларда ЭФМК, фибриноген, Д-Димер, регионар гемодинамикадаги ўзгаришлар ўрганилиши орқали олинган кўрсаткичлар корреляцион таҳлили ўтказилганлиги ва ивиш тизими маркерларини аниқлаш натижасида АФС ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини оширишга эришилади.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Андижон шаҳар 2-сон туғруқхона мажмуасига 20.07.2022 йилдаги 143/1-сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилояти Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона бўлимига 20.07.2022 йилдаги 247/1-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: АФС аниқланган аёлларнинг 7 (10%) ўз-ўзидан аборт кузатилиб, шундан 3 (42%) тасида абортнинг асоратланиш ҳолати, 4 (58%) нафар аёлда абортдан кейинги бирламчи қон кетиш кузатилди; биокимёвий, ультратовуш ёрдамида текшириш ва асоратларни эрта ташхислаш киритилган усуллар, ҳомиладор аёлларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилашга хизмат қилган; ҳомилада қўшма нуқсонларни ташхислаш ва қўшимча текширув усулидан – ультратовуш текшириш усулида текшириш мақбул ва самаралигиги исботланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти абортдан кейинги даврда аёлларни самарали ва безарар текширувлардан УТТ ўзи кифоя ҳисобланиб, иқтисод қилишга хизмат қилади, ортиқча текширув усулларида фойдаланиш зарурати йўқлиги ҳисобига сарф харажатларни 37% камайтириш имконини берган.

Хулоса: антифлсфолипид синдроми аниқланган аёлларда юқорида келтирилган текширув усулларида фойдаланиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 35 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 23 000 сўмга, жаъми 1200000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомила нобуд бўлишида децидуал қават тузилишининг морфометрик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2022 йил 12 сентябрдаги 06/2587-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: АФС аниқланган аёлларда спонтан абортдан кейин децидуализация жараёнининг морфологик хусусиятлари ўрганилди ва антифосфолипид синдроми бўлган ҳомиладор аёлларда клиник ва лаборатор кўрсаткичлар (прогестерон, эстродиол, ЭФМК, Д-Димер) омилларнинг ошиши, бачадон артериаларида резистентлик индексининг ортиши ва қон оқимининг ёмонлашуви ўз-ўзидан спонтан аборт юзага келишига оимл бўла олиши исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: АФС аниқланган аёлларни эрта ташхислашда гемодинамика кўрсаткичларини зарб индекси, ҳажм фракцияси камайиши, УПТҚ ошиши, доплерометрияда бачадон артерияларида ИР ва СДОннинг ортиши эрта диастолик ботикни жуда эрта ҳосил бўлиши башоратловчи предиктор бўлиб, уларни эрта аниқланиши асоратларни олдини олишга, спонтан абортни олдини олишни, ётоқ кунини қисқартириб, шифо жараёнини тезлаштиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Андижон шаҳар 2-сон туғруқхона мажмуасининг 22.07.2022 йилдаги 328/1-сонли буйруқ ҳамда Андижон вилояти Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмасининг 22.07.2022 йилдаги 275/1-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: мамлакатимиз қишлоқ туманларида АФС аниқланган туғруқ бўлимларига муружаат қилувчи ҳомиладор аёллар орасида доплерометрик усулларни қўллаш, улар асосида коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқиш, ушбу касаллик билан боғлиқ бўлган асоратлар камайишига олиб келган. Ундан ташқари шу натижаларга асосланиб, дифференциалланган ҳолатда спонтан абортлар олди олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: шифохонада бўлиш даврининг 5 кунга қисқартирилиши ҳисобига 820 минг сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 164 000 сўм дори воситалари сарфланади); шифохонада бўлиш даврининг 5 кунга қисқартирилиши ҳисобига 720 минг сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 144 000 сўм боғланмалар сарфланади)

Хулоса: АФС аниқланган аёлларда даволаш ва туғруқни олиб бориш вақтида йўл қўйилган қатор камчиликлар спонтан абортга олиб келиши мумкин бўлган асоратлари аниқланиб, бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 78 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 43 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомила нобуд бўлишида

децидуал қават тузилишининг морфометрик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2022 йил 12 сентябрдаги 06/2587-сонли хат юборилган

Илмий янгиликнинг моҳияти: анамнезида АФС бор аёлларда инструментал ва лаборатор текширув натижалари асосида, децидуал строма ёнидаги бачадон томирларига трофобластнинг кириб бориши ва децидуализация жараёнининг бузилиши, спирал артериялар ва бачадон артериялари, децидуа қон томирларининг шикастланиши ва децидуализация жараёнининг бузилиши ва қон кетиш жойлари мавжудлиги ва Нитабух қаватини эрта шаклланиши, хорион шокилдор тукланишини пастлиги исботланган шу жумладан амбулатор ва госпитал шароитда ушбу беморларни ташхислаш ва олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: АФС аниқланган аёлларда таклиф этилган маркёрлар орқали келгусида ҳомиладорлик асоратларини эрта ташхислаш, профилактик даво мақсадида ҳомиладорлик даврида антикоагулянт ва антиагрегант дори воситаларини комплекс қўллаш, ҳомиладорликни асоратсиз кечишига ёрдам бериб, даволаш жараёнини тезлаштиради ва ётоқ кунини қисқартиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Андижон шаҳар 2-сон туғруқхона мажмуасига 20.07.2022 йилдаги 143/1-сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилояти Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона бўлимига 20.07.2022 йилдаги 247/1-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган комплекс ёндашувдан фойдаланиш ижобий натижалар бериб, даволаш сифатини 87%га оширган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: таклиф этилган текшириш усулларини қўлланилганда ҳомиладор аёлларнинг шифохонада қолиш муддатини 10 кундан 5 кунга қисқартирилди, олдинги текшириш учун қилинган харажат 1 бемор учун 1 430 000 сўмни ташкил қилган бўлса, таклиф қилинган усулда харажатлар 720 000 сўмни ташкил қилди, 2) беморнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши, масалан гематология, неврология бўлимида) бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган ва йил давомида ҳар бир бемор учун 710000 сўм фойда билан қилинган.

Хулоса: Юқоридаги барча даволаш усуллари мажмуавий ишлатилинганида ушбу касаллик билан боғлиқ бўлган сарф-харажат 8 520 000 иқтисод қилинган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомила нобуд бўлишида децидуал қават тузилишининг морфометрик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида бошқа соғлиқни сақлаш

муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2022 йил 12 сентябрдаги 06/2587-сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Олиб борилган тадқиқот натижалари 9 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва бтаси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 168 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлигини асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва мавзуларини тавсифлайди, ушбу тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари учун долзарблигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини тавсифлайди, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижаларини очиб беради. Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва нашр этилган ишлар диссертация таркибий тузилишини ёритиб берган.

Диссертациянинг **«Ҳомила йўқотиш генезида антифосфолипид синдромининг асоратлари этиологияси, патогенези, диагностикаси ва профилактикаси янгича тушунчалари»** деб номланган биринчи бобида дунёнинг етакчи муассасаларида олиб борилган замонавий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ўтказилди. Ушбу боб акушерлик патологиясида антифосфолипид синдромининг ҳал қилинмаган муаммоларини акс эттирувчи етита кичик бобда тақдим этилган. Антифосфолипид синдромининг акушерлик асоратларини эрта ташхислаш ва прогноз қилиш учун мумкин бўлган кўзғатувчилар ва предиктор омиллари ўрганилган. Антифосфолипид синдромида децидуализация жараёни шаклланиши масалалари, ултратовуш анатомияси ва ҳомиланинг эрта муддатлари характери, трофобластнинг ҳолати ва морфологик жиҳатлари, шунингдек, постаборт эндометрий ҳолати ҳақидаги маълумот таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **«Беморларнинг клиник хусусиятлари ва кўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида касалларнинг текшириш усуллари ёритилган.

Мақсад ва вазифаларга мувофиқ диссертация иши 2-акушерлик ва гинекология кафедрасида (кафедра мудири, т.ф.н., доц. Негматшаева Ҳ. Н.) 2018 йилдан 2022 йилгача Андижон Давлат тиббиёт институти (Ректор проф.М. М. Мадазимов), Андижон шаҳри 2-сонли туғруқ мажмуасида

базарилган.

Изланиш жараёнида бизнинг назоратимизда тадқиқот гуруҳини 167 нафар беморд ташкил этган бўлиб, асосий гуруҳ 137 нафар бемор, шунингдек, назорат гуруҳини 30 нафар деярли соғлом аёллар ташкил этган.

Андижон шаҳар 2-туғруқ мажмуасининг гинекология бўлимида текширувимиздаги аёлларга ултратовуш Doppler текшируви ўтказилди. Ўрганилган гуруҳларнинг лаборатор маълумотларини ўрганиш "MODUS" МЧЖ (лаборатория раҳбари проф. Алейник В. А.) томонидан амалга оширилди. Тадқиқот илмий-техник шартнома асосида олиб борилди. Ишнинг морфологик қисми АДТИ патологик анатомия ва суд тиббиёти кафедрасида ўтказилган (кафедра мудири доц. Маматалиев А. Р.).

Фаоллаштирилган қисман тромбопластин вакти (ФҚТВ), протромбин индекси (ПТИ), фибриноген индекси (ФГ), эрувчи фибрин-мономер комплекслари (ЭФМК) шунингдек тромбоцитлар сони биокимёвий усул билан аниқланди. ИФА усули билан фибрин ёки Д-димернинг оқсил концентрацияси ўрганилган.

Estrogen ва прогестерон стероид гормонлари кўрсаткичларини ўрганиш "MODUS" МЧЖ доценти Г. А. Легкоева билан биргаликда ИФА усули учун мўлжалланган вектор-Бест А 8766 реактивлари (Новосибирск) тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Бачадон қон оқимини (БК) баҳолаш доплерометрия ёрдамида Mindray DC – 7 N3 3D/4D ултратовуш аппарати (Хитой) ёрдамида, рангли Doppler мосламаси билан жиҳозланган, 3,5 Мгц частотали трансабдоминал сенсор датчик ёрдамида амалга оширилди (В.В. Митков таснифи). Тадқиқотлар олий тоифали функционал диагностик шифокори Умарова Г. М. (Андижон 2-ШТК) билан ҳамкорликда олиб борилган.

Қон оқими а. uterinae (ўнг ва чап)да аниқланди, улар рангли Доплер ёрдамида текширилди. Ушбу томирларда систола диастолик нисбат (СДН) ва қаршилик индекси (ҚИ) баҳоланди. Қон оқимининг тезлиги эгри чизиқларини сифатли баҳолаш қаршилик индексини ҳисоблаш орқали амалга оширилди. Қаршилик индекси-бу максимал систолик ва охирги диастолик қон оқимининг қийматлари орасидаги фарқнинг максимал систолик қон оқимининг қийматига нисбати.

Умумий морфологик кўринишни ўрганиш учун биопсия материаллари гематоксилин ва эозин билан бўяш орқали ўрганилди. Биопсия материаллари 10% нейтралланган формалинда 48 соат давомида қотириб олинди. Сувсизлантириш жараёни спирт ва хлороформнинг ортиб борувчи концентрациясида амалга оширилди ва гематоксилин - эозин билан бўялди. Натижада хужайралар ядролари кўк-бинафша рангга, цитоплазма-қуюқ бинафша рангга айланди. Гистологик текширув Leica biomed микроскопида ×4, ×10, ×40 линзаларини катталаштириш, окуляр катталаштириш ×10 билан ўтказилди. 8 ҳафтагача бўлган ҳомиладорлик спонтан аборти ва абортдан кейинги эндометрий қириндисидида патогистологик таҳлил ўтказилган.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш Microsoft Office Excel 7.0 дастури ёрдамида, шунингдек ўртача (М) ва нисбий (Р) қийматларни ўртача статистик хатоларини (m) ҳисоблаш билан Статистиса 6.0 амалий дастурий

таъминот пакетларидан фойдаланган ҳолда, параметрик ва нопараметрик усуллардан фойдаланган ҳолда фарқларнинг ишончлилик даражасини аниқлаш орқали амалга оширилди. Фарқлар  $p < 0,05$ да статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди. Корреляцион таҳлил Спирмен бўйича ранг усули ёрдамида ( $r$ ) ҳисоблаш орқали амалга оширилган (Реброва О. Ю., 2003).

Диссертациянинг «**Антифосфолипид синдроми аниқланган аёлларда ҳомиладорлик кечишининг клиник хусусиятлари ўзига ҳослиги ва унинг намоён бўлиши**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот гуруҳларида ҳомиладорликнинг илк муддатларида клиник кўриниши тасвирланган. Антифосфолипид синдроми билан боғлиқ ҳомила йўқотиш жараёнида иштирок этувчи гемостаз параметрлари ва кўзгатувчилари ўрганилган.

Текширилган аёлларнинг ўртача ёши асосий ва назорат гуруҳларида  $25,72 \pm 0,43$  ва  $24,20 \pm 0,53$  ёшни ташкил этилган.

Акушерлик анамнезини ўрганиш асосий гуруҳ аёлларининг деярли барчасида муваффақиятсиз ҳомиладорликнинг юқори фоизини кўрсатган. Тадқиқот давомида асосий гуруҳ аёлларида ливедо ва ҳомила тушиш хавфи энг кўп намоён қайд этилди. Таъкидланишича, антифосфолипид синдроми бўлган аёлларда экстрагенитал патология кўрсаткичлари ва гинекологик касалликларнинг частотаси назорат гуруҳига қараганда юқори бўлган. Асосий гуруҳда ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида аллақачон қонли ажралмалар ва токсикоз каби ҳомиладорлик асоратлари юзага келган ва сезиларли фарқлар бўлмаган. Қин дисбиози текширилаётган аёлларнинг иккала гуруҳида ҳам сезиларли фарқ билан қайд этилган ( $P < 0,001$ ). Гинекологик ҳолат шуни кўрсатадики, асосий гуруҳдаги 97 нафар аёл ва назорат гуруҳининг 20 нафаридан бачадон бўйни эрозияси, колпит, эндоцервицит ва бошқа жинсий аъзолар яллиғланиши ( $P > 0,05$ ) бўлган (70,8% қарши 66,7%;  $\chi^2 = 0,201$ ;  $p = 0,655$ ) ва ўрта кучдаги боғланиш аниқланган. Экстрагенитал патологиянинг тузилишини ўрганишда сурункали пиелонефритнинг сезиларли юқори кўрсаткичлари қайд этилди (72,3% против 93,3%;  $\chi^2 = 5,99$ ;  $p = 0,015$  и  $p < 0,05$ ) заиф боғланиш кучи билан.

Илк муддатдаги ҳомиладорлик даврида ҳомиладорлик характерини таҳлил қиладиган бўлсак, аёлларнинг асосий гуруҳида энг кўп учрайдиган кўринишлар тўрсимон ливедо ва эрта аборт хавфи эди (54,7% ва 16,7%; 16,7%;  $\chi^2 = 14,299$ ;  $p < 0,001$ ). Маълумотлар қон томир белгиларининг юқори сурьатларини кўрсатади: 23,4% тўрсимон ливедо ва 54,7% оёқ веналари варикози. Анемия кўрсаткичининг сезиларли намоён бўлиши ( $P < 0,05$ ) иккала гуруҳда ҳам қайд этилган.

Қоннинг биокимёвий таҳлили ушбу кўрсаткичларнинг, асосий гуруҳдаги аёлларда АФС мавжудлигига қарамай, ивиш кўрсаткичлар амалда меъёр диапазонда сақланиб қолган ва сезиларли фарқ қилган. Аммо бу кўрсаткичлар норманинг маълум қийматларида бўлишига қарамай, ишончли тарзда ажралиб турарди. Қон биокимёвий индексининг баъзи параметрларида ўртача ва заиф корреляциянинг тўғридан-тўғри боғлиқлиги аниқланди ва бу қийматлар маълумотлари эркинлик даражалари сонидан  $f = 165$  бўлганида, бу Стьюдент критериси  $t = 1,975$ ,  $\alpha = 0,05$  аҳамият даражасини ташкил этган.

Деярли барча аёллар ҳомиладорликнинг бошиданок гемоглобин миқдори тушиш тенденциясига эга бўлган.

Плазма боғланишидаги параметрларнинг ортиши ўрганилган асосий гуруҳнинг баъзиларида қайд этилган. Шундай қилиб 94 беморда ФҚТВ ўсиши қайд этилди, бу асосий гуруҳдагиларнинг умумий сонининг 68,6% ни ( $\chi^2=47,089$ ;  $p<0,001$ ) нисбатан кучли боғланиш билан ташкил этди ( $r=0,53$ ). ПТИ ортиши 5 нафар ҳомиладор аёлларда 3,65%, ЭФМК-9 – (6,6%), фибриноген – 17 (12,4%) асосий гуруҳ аёлларида кузатилган.

АФС мавжуд ҳомиладор аёлларда қон зардобидоги ФҚТВ индекси ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларидан бошлаб  $44.97\pm 0.43$  гача кўтарилган. Шунингдек, ўрганилган кўрсаткичларнинг нормадан пасайиши ҳам кузатилди. Шундай қилиб, асосий гуруҳда 8 аёл ФҚТВ (5,8%) ва 51 нафар аёлда (37,2%) ЭФМК миқдори пасайган. Ва дастлабки босқичларда, асосий гуруҳда гемостаз тизимида гиперкоагуляция ва фибринолитик фаоллиги ортган аёллар борлиги аниқланди ва Д-димер, фибриноген, ФҚТВ миқдорининг кўпайиши билан исботланган. Бундан ташқари, ФҚТВнинг узайиши гемостаз тизимининг ички коагуляцион йўлининг фаоллашувини характерлайди (1-жадвал).

#### 1-жадвал.

Гемостаз тизими кўрсаткичлари, (M±m)

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=137)	Назорат гуруҳ (n=30)	P	t
ФҚТВ, с	44,97±0,43	33,3±0,64	P<0,001	15,14
ПТИ, %	93,58±0,71	93,3±0,82	P>0,79	0,26
Фибриноген, г/л	3,33±0,06	3,38±0,11	P>0,69	0,4
Тромбоцит x 10 <sup>9</sup> /л	208,85±2,37	204,0±5,18	P>0,39	0,85
ЭФМК, мг/100мл	3,63±0,65	3,82±0,12	P>0,77	29
Д-димер	392,95±13,42	380, 29±26,35	P>0,66	0,43

Тухумдон стероид гормонлари спектри ўрганилганда ҳомиладорликка хос бўлмаган прогестерон ишлаб чиқаришнинг бузилиши аниқланди, ҳомиладорликнинг 8 хафтасига қадар асосий гуруҳнинг фақатгина 13 (9,5%) нафар ҳомиладор аёллари прогестероннинг нормал даражасига эга эди. Эстрадиол кўрсаткичларида бузилишлари йўқ эди ва бу гормон даражаси 0,2 дан 4 нмол/л гача бўлган нормал диапазонда қолган.

Шундай қилиб, ўрганилган стероид гормонлар орасида фақат прогестероннинг ўртача даражаси асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда соғлом ҳомиладор аёлларга нисбатан анча паст бўлган (2-жадвал).

#### 2-жадвал.

АФС мавжуд бўлган ва назорат гуруҳи аёлларида стероид гормонлар даражаси


Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=137)	Назорат гуруҳ (n=30)	P	t
Прогестерон	26,76±1,17	68,63±3,62	P<0,001	11,01
Эстрадиол	1,36±0,1	2,54±0,46	P<0,01	2,51

Прогестерон даражаси кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан асосий

гуруҳ беморларида энг муҳим ўзгаришларни кўрсатди. Ушбу беморларда, айниқса ҳомиладорликнинг 8 ҳафтасида ( $P < 0,0001$ ) унинг концентрацияси сезиларли даражада камайган.

Асосий гуруҳдаги ушбу гормонлар даражаси ҳақидаги маълумотлар ўртача корреляцион боғлиқлиғни ҳосил қилди ( $r=0,43$ ). Асосий гуруҳда прогестерон даражасининг деярли 10 нмол/лга пасайиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, умуман олганда, асосий гуруҳдаги гормонлар даражаси прогестерон кўрсаткичларининг пасайиши билан кечади.



**1-расм. Ўрганилаётган гуруҳларнинг стероид гормонлар даражаси**

Бўй-вазн маълумотларини баҳолаш ушбу кўрсаткичларда акушерлик асоратлари учун муҳим аҳамиятга эга, тадқиқот гуруҳларидаги хусусан АФС бўлган аёлларнинг бўйи ва вазни тана массаси индексининг (ТМИ) ҳомиладорлик жараёни ва натижаларига таъсирини ўрганиш учун ўлчанди. Анамнез йиғиш ҳомиладорлик пайтида ўтказилганлиги ва тана массаси индекси фақат ҳомиладорлик пайтида ҳисобланганлиги сабабли, тана массаси индексидаги бевосита таъсир этувчи омиллар яъни наслдаги семизликка мойиллик бўлсагина ўзгариши мумкин.

Тадқиқот гуруҳларидаги аёлларнинг ўртача вазни куйидаги маълумотлар билан изоҳланди, шунинг учун асосий гуруҳда бу кўрсаткич  $69,36 \pm 0,30$  ва назорат гуруҳида  $69,52 \pm 0,59$  га тенг эди ва деярли фарқ қилмади. Ушбу гуруҳлардаги аёлларда бўйининг ўртача ўсиш суръати  $1,63 \pm 0,01$  ва  $1,62 \pm 0,01$  назорат гуруҳларида (сезиларли даражада фарқланмади) ташкил қилган.

Асосий ва назорат гуруҳларида тана массаси индексининг коэффициенти ўртача  $26,22 \pm 0,18$  ва  $26,46 \pm 0,28$  ни ташкил этди. Агар биз таснифга кўра ўйласак, бу аёлларнинг барчаси семиришга мойил, чунки уларни келажакда ортиқча вазнли одамлар гуруҳига киритишимиз мумкин (3-жадвал).


3-жадвал.

Тана вазни индекси кўрсаткичи,  $M \pm m$

Индикатор	Ҳомиладор аёллар (n=167)			
	n=137		n=30	
	M	m	M	m
Бўйи, м	1,63	0,01	1,62	0,01
вазни, кг	69,36	0,30	69,52	0,59
ТВИ коэффициенти	26,22	0,18	26,46	0,28

Ўрганилган корреляция маълумотлари шуни кўрсатадики, ушбу параметрларнинг барчасида ўртача, кучсиз ва кучли тўғридан тўғри ва акс корреляция мавжуд. Шундай қилиб, бўй баландлигида бу параметр тўғридан-тўғри кучли боғлиқлик  $r=0,8$  ва вазн жиҳатидан акс заиф боғлиқлик  $r=-0,2$  га тенг, шунингдек ТВИда тенг тескари ўртача кучдаги акс корреляцияга  $r=-0,7$  тенг.

Шундай қилиб, беморларнинг антропометрик маълумотларини ўрганиб чиқиб, асосан гуруҳларнинг аёллари ўртача бўйли, аммо келажакда тўлиқликка мойиллиги борлиги қайд этилди (2-расм).





2-расм. Ўрганилаётган гуруҳларнинг антропометрик маълумотлари

Ҳар бир аёл томонидан олинган маълумотларни талқин қилиб, биз улар орасида энг кенг тарқалган вазн тоифаси ТВИ  $\geq 25$  ва  $< 30$  эканлигини таъкидладик, бу ушбу гуруҳларда ортиқча вазн учун мумкин бўлган хавф омилини кўрсатади, асосий гуруҳда 64,96% ва назорат гуруҳида 76,67% ташкил қилган (64,96% қарши 76,67%;  $\chi^2=1,526$ ;  $p=0,217$ ).

Шундай қилиб, маълумотлар шуни кўрсатадики, гуруҳлар ўртасида ТВИда сезиларли фарқлар йўқ эди ва асосий гуруҳда ТВИ ҳомила тушгандан кейин ҳам ўзгармади ва деярли бир хил қийматларда қолди.

Диссертациянинг **"Антифосфолипид синдроми билан асоратланган эрта муддатдаги ҳомиладорликнинг ултратовуш анатомияси морфометрик хусусиятлари ва характери"** деб номланган тўртинчи бобида эрта муддатдаги ҳомиладорликнинг ултратовуш анатомияси морфометрик ўрганиш натижалари АФСда ушбу кўрсаткичларни ўрганишда маълумотлар етарли эмаслиги сабабли, сариқ танача ва сариқ қопчанинг характери, антифосфолипид синдроми ва физиологик ҳомиладорлик пайтида бачадон қон оқимини ҳолатини баҳолаш ақс этган.

Бошқа муаллифлар ишларида ўрганилган биометрик кўрсаткичлар иштирокида морфологик тоифалар тахлили асосида бизнинг ишимизда предикторлар сифатида ҳомила қопчаси, сариқ қопча ва эмбрион ўлчамлари, ҳамда ҳомила катта бўлмаган диаметрида ҳомила элементлари бўлмаслиги каби маълумотлар тахлили ўтказилган (3-,4-расм).



**3-, 4-расм. УЗ кўриниш ҳомиладорликнинг 5 ҳафтаси, ҳомила пуфаги деформацияси, чўзилган, ҳомила пуфаги ва КТР меёрда бўлишига қарамасдан, кейинчалик ҳомила нобуд бўлиши.**

Ҳомилани 7-8 ҳафтага етказган асосий гуруҳ аёлларининг барчасида хорион диаметри ўлчамлари унинг юпқалашгани ва нотекис структура ақс этганини кўрсатмода (30,65%) (расм 5). гестация муддатидан хорион ўлчамини ортда қолиши аниқланган (хорион гипоплазияси)  $4,34 \pm 0,03$ .

Сариқ қопча характери ўрганилганда 88 (64,2%) ҳолатда ўлчамлари 5,2 ммдан ортганлиги аниқланди, олтита ҳомила абортини ўтказган аёлда энг катта ўлчам 7,5 ммни ташкил қилган.



### 5-расм. Ҳомиладорлик 7 ҳафта хорион структураси бузилиши ва деформацияси, ҳомила нобуд бўлиши, СҚ-5 мм.

